



ЖЕЙН ОСТИННИНГ “АНДИША ВА ҒУРУР” РОМАНИДА ОИЛА КОНЦЕПТИ

Кандилатхан Иусупова
*Ренессанс таълим университети, в.б.доцент, (PhD),
 E-mail: kandilatyusupova71@gmail.com*

Аннотация Мазкур мақолада Жейн Остиннинг “Андиша ва ғурур” асарида оила мавзуси ҳамда характерлар ўртасидаги оилавий муносабатлар ҳақида сўз юритилади. Оила мавзусини романда етакчи ўрин олиниши мисоллар билан ифодаланган.

Калит сўзлар: оила, концепт, асар, Беннетлар оиласи, жамият, мисоллар

Аннотация В данной статье рассматривается тема семьи и семейных отношений между героями романа Джейн Остин «Гордость и предубеждение». Ведущее место семейной темы в романе выражено примерами.

Ключевые слова: семья, концепция, работа, семья Беннет, общество, примеры

Annotation This article discusses the theme of family and the family relationships between characters in Jane Austen's “Pride and Prejudice”. The leading place of the family theme in the novel is expressed by examples.

Key words: family, concept, work, Bennet family, society, examples

КИРИШ. Бугунги давр адабиётшунослари, тилшунос ва психологлари нуқтаи назари билан қараганда, бадиий матн асарнинг асл ғояси, муаллифнинг ички олами ҳамда асар образлилигини очиб берувчи муҳим элемент ҳисобланади. Миллий концептнинг тил бўйича матнда аён этиши асосий ва индивидуал матн ўртасидаги асимметрияни бирбирига боғлади ҳамда гўё матннинг “фон”и каби акс этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Маълумки, оила мавзуси барча миллат адабиётида асосий ва барҳаёт мавзулардан бири саналади. Ўзбек адабиётида А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарларида, Ў.Хошимовнинг “Икки эшик ораси”, Ў.Умарбековнинг “Одам бўлиш қийин” ва бошқа қўплаб асарларида оила мавзуси асарларнинг градациясини кучайтирувчи ва бош мазмунини белгиловчи йирик омил бўлиб хизмат қилади. Жаҳон адабиётида ҳам оила концепти алоҳида аҳамиятга эга. Инглиз адабиаси Жейн Остин (Jane Austen, 1775-1817) нинг “Андиша ва ғурур” (“Pride and prejudice”, 1813) романида оила мавзуси ва оилавий муносабатлар асарнинг аксар қисмини қамраб олади ва сюжетнинг муҳим компоненти сифатида иштирок этади. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида оила концепти қуйидагича ифодаланади:

Оила – бола-чақа, хонадон; уруғ, авлод.

1. Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишиларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи; хонадон.
2. қўчма Бир мақсад, маслак билан бирлашган қўп кишилар, халқлар, мамлакатлар.
3. Ўсимликлар ва ҳайвонлар систематикасида тузилиш жиҳатидан бир-бираига ўхшашиб, келиб чиқиш жиҳатидан ҳам ўзаро яқин бир неча уруғни ўз ичига олган гурух.
4. Қардош тиллар гурухи.
5. Рафиқа, хотин²⁵⁷.

НАТИЖАЛАР. Инглиз романи “Андиша ва ғуур” том маънода реалист асар хисобланади, чунки асар сюжетининг асосини ўша даврдаги ижтимоий ҳаёт, турғун жамиятнинг қонуний ва ноқонуний қоидалари *Беннетлар оиласи* мисолида очиб берилади. Е. А. Кострубина “Оила” концепти бўйича ёзган илмий тадқиқотида оила тушунчасини горизонтал структура тарзида қўйидагича чизади:

Оила – қондошлиқ жамияти – тўғри чизик

Оила – никоҳ қурилганда ноқондошлиқ жамияти – қарши чизик²⁵⁸

“Андиша ва ғуур” романида ҳам оила муносабатларини худди Е. А. Кострубина таҳлили сингари кесишигандан схемада белгилаш мумкин. Беннетларнинг беш нафар қизи беш хил феъл-автор соҳибалари: Жейн, Элизабет, Мэри, Кэтрин (Китти) ва Лидия Беннетлар. Асардаги опа-сингиллар диалогларида, она ва қизлар ўртасидаги сұхбатларда бу характер турлари яққол намоён бўлади:

| Инглизчаси: | Ўзбекчада: |
|---|---|
| “Remember, Eliza, that he does not know Jane’s disposition as you do.” (Chapter VI, p.28) | “- Элиза, у Жейннинг характерини сен билганчалик билмаслигини ёдингдан чиқарма”. (VI боб, Б.25) |
| «Her daughters listened in silence to this effusion , sensible that any attempt to reason with her or soothe her would only increase the irritation». (Chapter XX, p.117) | “Қизлар онасининг гапларини чурқ этмай эшитишарди, чунки уни тўхтатишига бўлган ҳар бир ҳаракат онанинг баттар жаҳлини чиқараарди”. (XX боб, Б.107) |
| “Don’t keep coughing so, Kitty, for Heaven’s sake! Have a little compassion on my nerves. You tear them to pieces.” (Chapter II, p.11) | “Худо ҳаққи, Китти, бунақа йўталмагин! Менинг асабларим ҳақида бироз ўйласанг-чи!” (II боб, Б.11) |

МУХОКАМА. Асарда миссис Беннет характерига алоҳида тўхталиш жоиз. Негаки унинг феълида бир пайтнинг ўзида бир неча кайфият омухталашиб кетади. Буни ҳатто

²⁵⁷ Ўзбек тилининг изоҳл лугати. Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2021. Б.97

²⁵⁸ Кострубина, Е. А. Гиперконцепт СЕМЬЯ/ДОМ — FAMILY/HOME в русской и английской лингвокультурах: специальность 10.02.20 «Сравнительно-историческое, типологическое и сопоставительное языкознание»: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук / Кострубина Елена Алексеевна; Институт языкознания РАН. — Москва, 2011. — 20 с. — Текст: непосредственный.

унинг эри мистер Беннет ҳам илова этади. Миссис Беннет шамол каби кайфиятини жуда тез ўзгартириш табиатига эга бўлган аёл, ҳатто эри билан сухбатлашаётib ҳам фикрларини айқаш-уйқаш қилиб юборади:

“Оналари уларни жуда ҳам хурсанд бўлиб кутиб олмади. Миссис Беннет ҳаммага иши орттириб, қизлари бекор қайтиб келганларидан афсусда эди ва Жейннинг яна касал бўлиб қолишига амин эди” [ХII боб, Б.59].

“Никоҳининг биринчи кунлариданоқ, бу аёл ўзининг тор дунёқараши ва ақлининг жуда ҳам ўткир эмаслиги билан эрининг ҳамма орзуларини йўққа чиқарди”. (XIX боб, Б.208)

Романинг аслиятдаги матнида аёл рухиятини ифодаловчи руҳий-эмоционал лексемалар такрор ишлатилади. Инглизчада: *effusion, irritation, invective, complaint, alarm, vexation*, шунингдек, кучли ҳаяжон, ғам-қайғуни ифодаловчи *querulous serenity, tears and lamentations of regret, an irritation as violent from delight* каби лексемалар қўп бора қўлланилади. Асадаги мистер Беннет ота тимсолида жуда меҳрибон, тушунувчи, қалби дарё инсон сифатида гавдаланади. Ҳатто Элизабетнинг жаноб Коллинзга турмушга чиқишига норозилигини хотини миссис Беннетнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, холис қўллаб-қувватлайди:

“Агар сен Коллинзга турмушга чиқмайдиган бўлсанг, онанг сендан кечади, агар унга турмушга чиқадиган бўлсанг, мен сени кўришини истамайман” (XX боб, Б.105).

“Миссис Беннет ва бешала қиз қанча ҳаракат қилишимасин, оталарини мистер Бингли ҳақида уларнинг қизиқишиларини қондира оладиганяна бирор нарса дейшига мажбур қилиша олмади”. (III боб, Б.13).

Бу каби мисоллар мистер Беннетнинг нақадар камгаплигини ифодалайди ҳамда ёзувчи томонидан лаконик жумлалар топиб, қўлланилади. Рус тадқиқотчилари А. А. Подкопаева ва И. С. Карабулатова романдаги оила мұхитини очиб бериш учун юзага келган оиласи зиддият ва муносабатлар яқинлиги тўғрисида бир қатор мисолларни келтирадилар²⁵⁹. Асада оиласи мұхитни очиб берувчи қуйидаги лексемалар матнида бот-бот келтирилади: хонадонга оид предмет сўзлари - house/home/abode, drawing-room, dining-room, kitchen, parlour, bedroom, apartment/room ва ҳ.к., қариндошлик ифодалари - mother/father, niece, aunt/uncle, sister, daughter, хизматкорликни ифодаловчи сўзлар - cook, housekeeper, governess, chambermaid.

Ижодкорнинг “оила” концептини асада яна-да яққолроқ очиб бериш учун биргина фразалардан фойдалангани ҳам унинг ёзувчилик маҳоратидан далолат беради²⁶⁰: хонадонда ҳаёт нафасини белгилаб берувчи (оила аъзолари), хонадон ичкарисида эса оила – организм каби тасвиrlenади.

²⁵⁹ А. А. Подкопаева, И. С. Карабулатова. – Текст: непосредственный // Мир науки, культуры, образования. – 2018. – № 3. – С. 476-478.

²⁶⁰ Подкопаева, А. А. Вербализация концепта HOME/HOUSE в романе «Гордость и предубеждение» Джейн Остин /

“Қандай кутмалмаган оғат! Роза гап-сўз бўлади энди! Лекин биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, маҳкам туриб беришимиш керак”. (III бўлим, V боб, Б.252)

“Оила аъзолари унинг одатда хат ёзиши ёқтирмаслигини билишарди, лекин айни пайтда ўзини мажбур қила олади, деб умид қилишаётганди”. (III бўлим, VI боб, Б.256)

Юқоридаги мисолларда биргина кечки сұхбат, оилавий ўтириши (*evening conversation, domestic circle*) сўzlари оилавий муносабатларни очиб беришга хизмат қилган. Асадаги оилавий яқинлик қаҳрамонларнинг қувончли ва қайғули дамларида кучлироқ акс эттирилади, масалан, Жейннинг Бинглилар хонадонида бирдан касал бўлиб қолиши ва Элизабеттнинг опасини қараб туришга бориб, йўлларда қийналиб, лиbosлари лойга ботиб бориши, қолаверса, Бинглилар оиласининг Жейн ва ўзининг устидан кулишларини танқид қилиб, оила шаънини ҳимоя қилишга уринишлари романнинг VIII бобида тўлиқ гавдалантириб берилган:

“Улар катта пулга ўйнаётган бўлишларини тахмин қилиб, Элизабет синглисининг касалини баҳона қилди-да, шу ердалигидан фойдаланиб, китоб ўқимоқчилигини айтиб, таклифни рад этди”. [VIII боб, Б. 38].

“Буни эшишиб, Бинглининг сингиллари бир неча марта ўз ҳамдардликларини билдиришиди ва ўзаро яна шамоллаш қандай ёмонлиги, улар ҳеч ҳам касал бўлишини хоҳламасликлари тўғрисида гапира кетишиди, сұхбатга берилганларидан дугоналарини бошқа эсламадилар ҳам. Буни кўрган Элизабет Жейн йўғида у ҳақида ўйламасликларини ҳам тушуниб, яна уларга нисбатан нафратни ҳис қилди”. [VIII боб, Б. 36].

Шунингдек, романдаги бошқа қаҳрамонлар руҳиятида ҳам оилавий одатларни эҳтиётлаш, бир-бирига ҳайриҳоҳлик туйғулари акс этади. Оиланинг кенжা қизи Лидининг биргина хатоси туфайли бутун оила уни ҳимоя қилишга ошиқади:

“Миссис Беннет ва қизлар Лидиянинг қилиги учун чин дилдан кечирим сўрашиди ва у агар ўқишини давом эттираса, энди бундай бўлмаслигига ваъда бердилар”. [XIV боб, Б.67].

Асадаги асосий кулминацион бурилишни шубҳасиз, бош қаҳрамон Элизабетнинг ғурур ва севгига тўла ҳиссиётлари ҳосил қиласи. Унинг ички кечинмаларини муаллиф матн ва диалогларда misery, defect, chagrin, shame, mortification, confusion каби сўzlар билан, унинг туйғулари кучайган палласини эса unhappy, misery, heavier, painful сингари лексемалар билан ифодалайди:

“Бошидан бошлаб айтишим мумкинки, сиз билан танишганимнинг биринчи онлариданоқ сизнинг ўзингизни тутшишингиздан манмангингиз, баландпарвозлигиниз, атрофингиздагиларнинг туйғуларига нисбатан бефарқлигинизни сезган эдим. Менинг сизга нисбатан нафратим ўшанда бошланган”. (XI боб, Б.175)

“Агар ажralиб кетишимиздан пушаймонлик мен унга беришга тайёр турганим юрагимнинг ўрнини боса оладиган бўлса, мен ундан айрилганимга афсусланишимга арзимайди”. (III бўлим, XV боб, Б.312)

Асадаги “оила” концепти “турмуш” концепти билан узвий боғланиб кетади²⁶¹. Оила бекаси миссис Беннет ҳамиша муваффақкиятли турмуш баҳт пойдеворидир, деган ақида билан яшайди.

“Мен у йигитнинг қизларимиздан бирига уйланиши мумкинлигини назарда тутаётганимни албатта тушунаётган бўлсангиз керак”. (I боб, Б.9)

“Чопинг тез, Лиззини мистер Коллинзга турмушига чиқишига кўндиринг, чунки у буни асло хоҳламаяпти”. (XX боб, Б.105)

ХУЛОСА. Юқоридаги мисол ва таҳлиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Жейн Остиннинг “Андиша ва ғуур” романидаги оила концепти қўйидаги маъноларни белгилаб беради:

- 1) уй (қўрғон, хонадон); 2) қони бир қариндошлар; 3) бирлик, ҳамжихатлик**
- 4) тарбия; 5) тушуниш, қўмак, қўллаб-қувватлаш; 6) яккаликнинг йўқлиги.**

Асадаги оила концептининг муҳим аҳамияти шундаки, муаллиф оиласидаги муносабатлар, оиласидаги муҳит орқали ўша даврнинг бор ҳолати ва аёл-қизлар тақдирининг тасвирини, қолаверса, феминистик ғояларни тарғиб қилишга ёрдам беради. Шунингдек, бадиий матнда биргина концептнинг оламшумул маъно касб этишини англашимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тилининг изоҳл лугати. Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2021. Б.97
2. Кострубина, Е. А. Гиперконцепт СЕМЬЯ/ДОМ — FAMILY/HOME в русской и английской лингвокультурах: специальность 10.02.20 «Сравнительно-историческое, типологическое и сопоставительное языкознание»: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук / Кострубина Елена Алексеевна; Институт языкознания РАН. — Москва, 2011. — 20 с. — Текст: непосредственный.
3. А. А. Подкопаева, И. С. Карабулатова. — Текст: непосредственный // Мир науки, культуры, образования. — 2018. — № 3. — С. 476–478.
2. Красовская, Н. В. Художественный концепт: методы и приемы исследования / Н. В. Красовская. — Текст: непосредственный // Известия Саратовского университета. — 2009. — № 4. — С. 21–25.
3. Миллер, Л. В. Художественный концепт как смысловая и эстетическая категория / Л. В. Миллер. — Текст: непосредственный // Мир русского слова. — 2000. — № 4. — С. 39–45.
4. Подкопаева, А. А. Вербализация концепта HOME/HOUSE в романе «Гордость и предубеждение» Джейн Остин /

²⁶¹Миллер, Л. В. Художественный концепт как смысловая и эстетическая категория / Л. В. Миллер. — Текст: непосредственный // Мир русского слова. — 2000. — № 4. — С. 39–45.